

“ХУШБЎЙ ҲИД”ЛИ ҚИРОАТ ИМОМИ

Шайх Алижон қори Файзуллоҳ Маҳдум

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси

фахрий доктори

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

“Қуръон ва тажвидни ўргатиш” бўлими раҳбари

Аннотация. Мазкур мақолада Қуръон қироатларидан бири бўлган Нофиъ ибн Абдурахмон ал-Лайсий (ваф. 169/785) ҳаёти ва илмий мероси ёритилган. Унда имом Нофиънинг Қуръон илмини тобеъинлардан қабул қилгани, улуғ саҳобалардан ривоят қилинган қироатларни етказган устозлари зикр этилади. Шунингдек, унинг имом Молик билан бўлган дўстлиги, Қуръон қироатидаги мақоми, Қуръон илмидаги маҳирлиги ва Қуръон аҳлига хос бўлган ихлоси таърифлаб берилади. Мақолада имом Нофиънинг Қуръонга муҳаббати сабабли унга берилган илоҳий неъматлар, хусусан, баданидан таралиб турган хушбўй ҳид, шунингдек, унинг вафот чоғидаги васияти ва охирги сўзлари Қуръон ояти билан боғлиқ бўлгани баён этилади. Ушбу маълумотлар имом Нофиънинг Қуръонни ўқиш ва ўргатишида юксак мақомга эга бўлган улуғ қори сифатида тарихда ўчмас из қолдирганини кўрсатади.

Калит сўзлар: *Имом Нофеъ, қироат, тобеъин, Қуръон илми, Имом Молик, илоҳий неъмат, хуснул хотима.*

Улуғ қорилардан, табаъа-тобеъинлардан имом Нофеъ ибн Абдурахмон ибн Абу Нуъайм ал-Лайсий раҳимахуллоҳ ўн қироат соҳибларидан бири бўлиб, асли Асфаҳонда, Абдулмалик ибн Марвон даврида, 70 ҳижрий йилда таваллуд топган. Имом Нофеъ ўзининг таъкидлашича, етмишда тобеъинга Қуръон ўқиб, уларданг ижоза олган. Жумладан, бешта устози машҳурдин: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг шогирди Абдурахмон ибн Ҳурмуз, ўн

қироат соҳибларидан бири Абу Жаъфар Язид ибн Қаъқаъ, Шайба ибн Нассох, Муслим ибн Жундуб ва Язид ибн Руман раҳимахуллоҳлар. Мазкур бешта устози Убай ибн Каъб ва Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳумодан Қуръонни талаққий қилганлар. Шунингдек, улар Абу Ҳурайра ва Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумолардан ҳам Қуръон таълимини қолганлари айтилади¹.

Дарҳақиқат, Имом Нофеъ роҳимахуллоҳ етмишта тобеъинга Қуръони карим ўқиб берган. Бу етмишта тобеъин камида етмишта саҳобадан Қуръони каримни эшитганини билдиради. Лекин биргина тобеъин ўртача беш-олтита саҳобани кўриб, уларга Қуръони карим ўқиб берган бўлиши мумкин. Мазкур етмишта тобеъин энг камида иккита саҳобани кўрган тақдирда ҳам, юқоридаги рақам 140 тани ташкил қилади ва ҳоказо. Дарҳақиқат, мазкур устозлар силсиласи имом Нофеъ роҳимахуллоҳ илмни қамраб олган, Қуръони каримга тўймаган инсон бўлганидан дарак беради.

Имом Нофеъ роҳимахуллоҳ моликий мазҳаби асосчиси имом Молик роҳимахуллоҳнинг дўсти ва устози бўлган. Имом Молик роҳимахуллоҳ у зот ҳақида: “Нофеъ роҳимахуллоҳ қироати – суннат қироат”, деган. Яъни, имом Молик роҳимахуллоҳ: “Ким Қуръони каримни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўқиганидек ўқимоқчи бўлса, имом Нофеъ роҳимахуллоҳ қироатида ўқисин”, деган маънода гапирган. Ҳатто бирор киши Қуръони карим билан боғлиқ оддий савол билан имом Молик роҳимахуллоҳга мурожаат қилса, имом Молик жавобини билса ҳам, устозига ҳурмат юзасидан: “Ҳар бир илмнинг ўз аҳли, мутахассиси бор. Бу борада Нофеъ роҳимахуллоҳ мохирдир. У зотнинг олдида боринг”, дер эди. Ўз навбатида имом Нофеъ роҳимахуллоҳ ҳам имом Молик роҳимахуллоҳга эҳтиром кўрсатар эди. Агар бирор шогирди баланд овозда қироат қилса, имом Нофеъ роҳимахуллоҳ унга танбеҳ бериб: “Пастроқ овозда ўқинг, ана у ерда имом Молик роҳимахуллоҳ дарс бeryпти”, дер эди².

¹ Хайриддин аз-Зириклий. Ал-Аълам: Қомус тарожим ли ашҳур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибийн ва ал-мустаҳрикийн. Ж.8. – Байрут: - Дар ал-илм лил-малайин (нашр йили кўрсатилмаган). – Б. 5.

² Одил Нувайхид. Муъжам ал-муфассирийн мин садр ал-Ислам б ва ҳатта ал-аср ал-ҳазир. Ж.2. – Байрут: Муассаса Нувайхид. - Б. 699.

Имом Нофё роҳимахуллоҳнинг Қуръони каримга бўлган муҳаббати сабабли Аллоҳ таоло ғайбий неъматлардан, яъни жаннатга кирганда ейиладиган, ичиладиган, кийиладиган ва лаззатланадиган неъматларидан бири қисмини у зотга ҳаётлик чоғидаёқ бериб қўйган. Бу улуг неъмат – хушбўй ҳид!

Имом Нофё роҳимахуллоҳнинг танасидан доим хушбўй ҳид таралиб турган! Имом Нофё роҳимахуллоҳга замондош бўлган бой савдогарлар бу ҳидни ёқтириб қолиб, излашга тушадилар. Ўша даврдаги Форс ва Румда жойлашган энг катта жаҳон бозорларига бориб ҳам, мазкур хушбўйликни топа олмайдилар. Иложсиз қолган бой савдогарлар ниҳоят Имом Нофё роҳимахуллоҳнинг ўзидан сўрашга журъат қиладилар: “Ҳазрат, Румга бордик, Форсга бордик. Лекин сиздан таралиб турадиган мушки анбарни топа олмадик. Сизга бу атирни ким олиб келади?”

Мен ҳар сафар шу ривоятни ўқиганимда ҳаёлимдан: “Яхши ҳам савдогарлар шундай савол берган эканлар. Бўлмаса Имом Нофё роҳимахуллоҳнинг бундай сир-асрорларидан беҳабар қолар эканмиз”, деган фикр ўтади.

Мазкур савдогар бойлар: “Имом Нофё роҳимахуллоҳга бу мушки анбарни биздан ҳам бойроқ савдогарлар ҳадя қилган бўлса керак”, деб ўйлашган эди. Имом Нофё роҳимахуллоҳ табассум қилиб: “Мен мушки анбардан фойдаланмайман”, деди. Савдогар бойлар бу сўзга ишонишда тараддудланиб қолдилар. Шунда имом Нофё роҳимахуллоҳ: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тушимда кўрдим. У зот менинг оғзимга Қуръон ўқидилар”, деди.

Тушда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Қуръони карим ўқиганлари – бу ғайбий ҳодиса. Бу ғайбий неъмат ҳиссиёт дунёимизда намоён бўлди! Бунга имом Нофё роҳимахуллоҳнинг замондошлари шоҳид бўлдилар. Имом Нофё роҳимахуллоҳ ўтириб кетган жойларда, юриб ўтган кўчаларда мазкур хушбўй ҳид таралиб турадиган бўлди. Одамлар: “Бу ердан имом Нофё роҳимахуллоҳ ўтибди”, дейдиган даражада машҳр бўлди бу ҳодиса.

Имом Нофёъ роҳимаҳуллоҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Сизларнинг энг яхшингиз Қуръони каримни ўрганиб, уни ўргатганларингиздир”, деган сўзларига амал қилгани учун мазкур мартабага эришди. Улар ҳадисдаги “хайр”нинг нималигини тушунган ва ҳис қилган инсон бўлганлар.

Имом Нофёъ роҳимаҳуллоҳнинг вафоти ҳақида Қолун исми билан машҳур бўлган Ийсо ибн Мино роҳимаҳуллоҳ шундай ривоят келтиради: “Имом Нофёъ роҳимаҳуллоҳнинг ёнига кирдим. Устозимиз ўлим тўшагида ётган эди. Устознинг фарзандлари васият сўраётган экан. Имом Нофёъ роҳимаҳуллоҳ уларга васият тариқасида қуйидаги оятни ўқиди: **“Бас, Аллоҳга тақво қилинглار ва ўз ораларингизни ислоҳ этинглар! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилинглар!”** (Анфол сураси, 1-оят). Мазкур оятни ўқибок вафот этди”.

Имом Нофёъ роҳимаҳуллоҳнинг бу дунёдаги энг охирги сўзи ва нафаси ҳамда Аллоҳ таоло билан учрашишининг энг аввалида Қуръони карим ояти бўлди. Чунки имом Нофёъ роҳимаҳуллоҳ Қуръони карим билан яшади. Охирги сўзи ҳам Қуръони карим бўлди³!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Хайриддин аз-Зириклий. Ал-Аълам: Қомус тарожим ли ашҳур ар-рижал ва ан-ниса мин ал-араб ва ал-мустаърибийн ва ал-мустаҳриқийн. Ж.8. – Байрут: - Дар ал-илм лил-малайин (нашр йили кўрсатилмаган).
2. Одил Нувайҳид. Муъжам ал-муфассирийн мин садр ал-Ислам б ва ҳатта ал-аср ал-ҳазир. Ж.2. – Байрут: Муассаса Нувайҳид.
3. Шайх Алижон қори Файзуллоҳ Махдум ўғли. Қуръони карим шафоати. – Тошкент: Мухаррир, 2025.

³ Шайх Алижон қори Файзуллоҳ Махдум ўғли. Қуръони карим шафоати. – Тошкент: Мухаррир, 2025. – Б. 20-23.